

ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 20.01.2022 г. № 43

между Олот туман Электр тармоклари и Олот туман болалар-усмирлар спорт мактаби на общую сумму
6899400,00

Глава

Казначейский лицевой счёт

245

100022860062047083610245001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)		Всего
	4221000		
Январь	2 999 700,00		2 999 700,00
Февраль	2 899 800,00		2 899 800,00
Март	999 900,00		999 900,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Всего за год	6 899 400,00		6 899 400,00

Всего 6899400,00 сум

Шесть миллионов восемьсот девяносто девять тысяч четыреста
сум 00 тийин
сумма прописью

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный 100% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до 30 числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Фармонов Ботир Норович

Ф.И.О.

(подпись)

Бакоев Бобир Гуломович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«___» 20 ___ г.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«___» 20 ___ г.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

43 - сонли

Олот шахри

2022 йил "20" ғавор

(шартнома тузилган жойи)

Олот туман Электр тармоқлар корхонаси(кейинги ўринларда “Корхона”(энергия билан таъминловчи ташкилот номи) (деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ф. Набиев бир тарафдан ва Олот туман БУСМ (энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) (Энергия истеъмолчисининг номи)(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б. Ферасов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи ҳақиқий максимал кувват (кейинчалик “Кувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 15332 кВт.с. ни ташкил қиласди.*

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 6889400 сўмни, Кувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қиласди.*

Шундан,	бюджет	маблағлари	хисобидан
<i>Онга шартнома саноат ўзқосон рўйхати жами 803</i>		сўм,	
Бюджетдан	ташқари	маблағлар	хисобидан
		сўм.	

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг хисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни хисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамгаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 15332 кВт.с.ни ташкил қиласди.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга кадар, вактинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг ҳисобга олиниши электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргалиқда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аниқланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргалиқда ҳар ойда энергия ва кувватнинг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзib олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 100 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳақиқий истеъмол қилган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб қиласи ва тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тутатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргалиқда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзib олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиб рақамларини ҳамда амалда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисбот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчидан турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳақида ҳисбот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзib олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аниқланган ҳақиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси

ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гуруҳига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳақ тўлаши керак.

Таърифлар ўзгарганда “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор қилиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Фазначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳақ тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия миқдорига қўшимча ҳақ тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида қатнашувчи юкламаси қийматига камайтирилган Кувват миқдори учун ҳақ тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларға тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шаҳар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги ҳисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг Автоматлаштирилган тизимида уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳақ доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштириллади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш хукуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган куввати ва Истеъмолчининг

4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзиб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим қиласди.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзиб олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг барқарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш ҳамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари ишлаб чиқиласди.

Узиб қўйиш жадваллари Истеъмолчи томонидан Корхона вакилларидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи миқдорда Энергия бўйича мажбурий равишда чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидағи аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантиրмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда, Энергия узатишда узиб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узиб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик ҳуқуқига эга:

а) Энергия (Кувват) шартномавий миқдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;

в) “Ўзстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўтказилган Энергияни ҳисобга олиш приборлари бўлмаганда;

г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган миқдордан ошириб юборилганда;

е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташқари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узиб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (максус тартибда Энергия етказиб бериладиган қорхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узиб қўйиш эса – фақат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;

б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган миқдорда етказиб беришни талаб қилиш;

в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлашни талаб қилиш;

г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узиб қўйишгача камида 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб қилиш;

д) Энергиянинг тегишли миқдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий миқдорини ўзгартиришни талаб қилиш;

е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;

в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланишини таъминлаш;

г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва қувват истеъмоли) риоя қилиш;

д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий миқдорини;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳ сўм ар суткали сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

5.3 Корхона қуидаги хукуқларга эга:

а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;

в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли миқдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳақида аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий миқдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий зарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома миқдорининг 5 фоизидан ортиқ миқдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартнома шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорида

пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган микдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида қўшимча ҳақ ундирилади.

Қўшимча Кувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукуқини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблағ олувчилик учун 2016 йил 22.декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабр 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

VIII. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Корхона»

Олот туман Электр тармоклар
корхонаси

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Олот туман Дўстлик кўчаси

Тел./факс 03653421236, 03653421154

(х/в ёки шФХ):

22636000700487303319

Банк номи Бұхоро П.С.Б

МФО: 00086 СТИР: 201188400 ИФУТ: 11170

/Рахбар



Нобиев. F
(лавозими) (Ф.И.О.)

Х. Нобиев
(имзо)

M.Y.

Хукуқшунос (ИМЗО ва
Ф.И.Ш): _____

Гуваҳнома (диплом) № ва берилган санаси:

«Истеъмолчи»

Олот үзинен бүсем

(буортмачи номи)

Манзил: Ещ Боту 1094

Тел./факс 65-220-01-40

шФХ* 100022860062047083610245001

Ташкилотнинг СТИРи 301792375

ИФУТ 91700

Разначилик бўлинмасининг номи Олот үзинен
Бўлинмасиниб бўнгено

ЯФХ23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО:00014 Фазначилик бўлинмасининг

СТИРи 201122919

Буортмачи раҳбари



Б. Фармоев
(лавозими) (Ф.И.О.)

Б. Фармоев
(имзо)

M.Y.

Хукуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): Б. Фармоев

Гуваҳнома (диплом) № ва берилган санаси:

2022 йил «20» енвер даги 43-сонли
Энергия таъминоти шартномасига
1-илова

ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ЭНЕРГИЯ ҚУВВАТИ ВА МИҚДОРИ


Тариф гурухи IV

	Электр куввати кВт	Электр энергияси миқдори		Шу жуладан тариф гурухлари бўйича			
		Минг кВт соат	Минг кВт соат				Ахоли
Йил, Жами	<u>15332</u>						
1-чорак	<u>15332</u>						
Январ	<u>6666</u>						
Феврал	<u>6444</u>						
Март	<u>2222</u>						
2-чорак							
Апрел							
Май							
Июн							
3-чорак							
Июл							
Август							
Сентябр							
4-чорак							
Октябр							
Ноябр							
Декабр							

ИМЗОЛАР:

АБОНЕНТ:

Рахбар б. Гарифов

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)
M. Y.

ТАШКИЛОТ:

Рахбар Р. нобиев

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)
M. Y.